

ЧИРОҚЧИ ТУМАНЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ

А Ж Р И М И

(даъво аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида)

Чироқчи тумани

2023 йил 18 август

Чироқчи туманлараро иқтисодий судининг судьяси А.Қодиров раислигида, судья ёрдамчиси А.Чулиевнинг котиблигида, даъвогар вакили Т.Мовланов (*ишончнома асосида*) иштирокида, даъвогар "██████████" АЖнинг, жавобгар "██████████" фермер хўжалигига нисбатан берган даъво аризаси бўйича ишни Чироқчи туманлараро иқтисодий суди биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

даъвогар "██████████" АЖ (бундан буён матнда – даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар "██████████" фермер хўжалиги (бундан буён матнда – жавобгар деб юритилади) ҳисобидан 22.731.811 сўм асосий қарзни ундиришни сўраган.

Суд мажлиси муҳокамасида иштирок этган даъвогар вакили жавобгар қарздорликни 2024 йил 30 март кунигача тўлаб беришни ўз зиммасига олганлигини, шу сабабли тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилганлигини ва низо медиатив келишув билан яқунланганлиги билдириб, даъво аризани кўрмасдан қолдиришни сўради.

Жавобгар ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлса-да, суд муҳокамасида иштирок этмади.

Мазкур ҳолатда суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринда – ИПК деб юритилади)нинг 128, 170-моддаларига асосан ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд даъвогар вакилининг иш бўйича тушунтиришларини эшитиб, тақдим этилган ва ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, тарафлар ўртасида 2023 йил 17 августда тузилган медиатив келишувни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида мазкур низо юзасидан 2023 йил 17 августда медиатив келишув тузилган.

Медиатив келишув (Нопрофессионал) медиатор Бобошеров Ойбек Қахрамон ўғли, даъвогар "██████████" АЖ раҳбари Р.Каримов ҳамда жавобгар "██████████" фермер хўжалиги раҳбари иштирокида қуйидаги шартлар асосида тузилган:

жавобгар " ██████████ " фермер хўжалиги 22.731.811 сўм қарздорликни 2024 йил 30 март кунига қадар тўлаб беришни ўз зиммасига олишга келишилган.

Тарафлар мазкур медиатив келишув ихтиёрий равишда тузилганлигини тасдиқлайди.

Медиатив келишувда белгиланган шартлар ўз вақтида амалга оширилмаса ёки бошқа ҳолатларда битим иштирокчиларининг ҳуқуқлари бузилса, бу бўйича тарафларнинг бири судга мурожаат қилиши мумкин.

ИПКнинг 131-моддасига кўра тарафлар низони келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиб ҳал этиши мумкин.

Келишув битими ёки медиатив келишув даъво тартибидаги ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин. Келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин. Келишув битими у суд томонидан тасдиқланганидан кейин тузилган ҳисобланади.

“Медиация тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида қўлланилади. Медиация суддан ташқари тартибда, низони суд тартибида кўриш жараёнида, суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунга қадар қўлланилиши мумкин.

Мазкур Қонуннинг 17-моддаси 4-қисмига кўра суд муҳокамаси жараёнида ваколатли давлат органида кўриш жараёнида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида тарафлар томонидан эришилган медиация келишув тегишли иш қайси суд ёки ваколатли давлат органининг иш юритувида турган бўлса, дарҳол ўша судга ёки ваколатли давлат органига юборилади.

Бундан ташқари, Иқтисодий процессуал кодексининг 107-моддаси 5³-бандида тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, даъво аризасини кўрмасдан қолдирилиши белгиланган.

“Медиация тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддаси 5-қисмига асосан низо медиатив келишув билан медиация тартибида ҳал қилинган тақдирда тўланган давлат божи қайтарилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, суд тарафлар томонидан тақдим этилган медиатив келишув шартлари билан танишиб чиқиб, ушбу медиатив келишув шартлари ўзга шахсларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини поймал қилмаслигини, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига зид эмаслигини инобатга олган ҳолда мазкур медиатив келишувни тасдиқлашни, даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни, медиатив келишув тасдиқланганлиги сабабли тарафлардан давлат божи ундирмасликни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги Қонунининг 15,17-моддаларини ҳамда Иқтисодий процессуал кодексининг 107,118,131,133, 194-195-моддаларини қўллаб, суд

а ж р и м қ и л д и :

даъвогар “[REDACTED]” АЖнинг даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Ажрим нусхаси тарафларга юборилсин.

Ажримдан норози томон бир ой ичида апелляция тартибида шикоят қилиши (протест келтириши) мумкин.

Судья

А.Қодиров